

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича**  
17  
**-сон ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

2022 йил “12” апрель.

“Хабар” газетаси таҳририяти номидан Устав асосида фаолият юритувчи таҳририят бош муҳаррири А. Абдурахманов (кейинги ўринларда–Аутсорсер) бир томондан, “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда–Марказ) номидан Устав асосида фаолият юритувчи давлат муассасаси директори А. Мухитдинов (кейинги ўринларда–Буюртмачи) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталади, аутсорсинг шартлари асосида хизматлар кўрсатиш бўйича қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғига асосан Марказнинг қуйидаги хизматларини бажариш, Буюртмачи эса, ушбу хизматлар учун ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади:

- ахборот сиёсатини шакллантириш (фаолият ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш, хабарлар, таҳлилий мақолалар, интервьюлар, видеорепортажлар тайёрлаш);

- Марказ томонидан тасвирга олинаётган ролик ва видеоларга техник кўмак бериш;

- расмий веб-сайтини юритиш, Марказ ҳақидаги маълумотлар билан тўлдириш;

- ижтимоий тармоқдаги саҳифаларни юритиш (2та канал “Telegram” месенджерда, “Facebook” ва “Instagram”даги 2та саҳифа);

- Марказ имиджини ошириш, “Хабар” газетаси ва Хабар.uz сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларида тарғиб қилиш.

2. Шартноманинг 1-банди биринчи хатбошисида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида Аутсорсер томонидан Буюртмачидан тайёр маълумотларни олишга ҳақли эмас.

3. Аутсорсер Марказ фаолиятига оид маълумотларни ижтимоий тармоқларда ва расмий веб-сайтда ҳар куни жойлаштирилишини ҳамда “Хабар” газетасида ҳар сонидида чоп эттирилишини таъминлайди.

**2-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**2. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Буюртмачидан ахборот сўраш ва олиш;

- ижтимоий тармоқларда Марказнинг саҳифаларини юритиш;

- Марказнинг расмий веб-сайтини юритиш ва маълумотлар билан тўлдириш;

- шартнома доирасида Буюртмачидан белгиланган тартибда тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини талаб этиш.

**3. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:**

- шартнома доирасидаги мажбуриятларни бажаришда фақат ўзинг кучи ва имкониятларидан фойдаланиш;

- Марказ фаолиятига оид маълумотларни ижтимоий тармоқ, расмий веб-сайтда жойлаштириш ҳамда “Хабар” газетасида чоп этишдан олдин Буюртмачининг розилигини олиш ва келишиш;

- Буюртмачининг сўровига асосан шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар ҳақида батафсил маълумот бериш;

- шартнома доирасида кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

- шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар бўйича далолатнома ва ҳисоб-фактурани Буюртмачига ўз вақтида тақдим этиш;

- махфийлик тартибига қатъий риоя қилиш.

- шартнома доирасида кўрсатилган хизматларда Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиш.

#### **4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- шартнома доирасида кўрсатилган хизматларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини Аутсорсердан талаб қилиш;

- Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг тўлиқ бажарилишини талаб этиш ва назорат қилиш;

- Марказ фаолиятига оид маълумотларни ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтда кунлик жойлаштириш ҳамда “Хабар” газетасининг ҳар сонидида чоп этилишини Аутсорсердан талаб қилиш.

- Марказ фаолиятига оид маълумотларни ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайтда кунлик жойлаштириш ҳамда “Хабар” газетасининг ҳар сонидида чоп этилиш учун розилик бериш ва келишиш.

#### **5. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:**

- шартномадаги хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиш бўйича далолатномани ўз вақтида кўриб чиқиш, эътирозлар булмаган тақдирда уни имзолаш;

- Томонлар томонидан имзоланган далолатнома ва ҳисоб-фактура асосида тўловларни амалга ошириш;

- шартнома доирасида Аутсорсер томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун бўлган зарур маълумотларни тақдим этиш;

- кўрсатилган хизматларни белгиланган тартибда ўз вақтида қабул қилиш.

#### **3-боб. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш**

6. Мазкур шартноманинг умумий нарҳи (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **207 000 000,0** (икки юз етти миллион) сўмни ташкил қилиб, Томонлар шартномани имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабрга қадар **23 000 000,0** (йигирма уч миллион) сўм миқдорда ойлик тўловни Аутсорсер рақамига шартномада белгиланган тартибда Буюртмачи томонидан ўтказилади.

7. Буюртмачи томонидан тегишли тўлов ҳисобот даврида Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов далолатнома асосида амалга оширилади.

8. Мазкур Шартнома бўйича тўловлар Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг ҳисоб рақамига ўзбек сўмида амалга оширилади.

9. Тўловни амалга ошириш санаси ва Буюртмачи томонидан мазкур Шартномага мувофиқ тўлов мажбуриятларини амалга ошириш санаси Буюртмачининг ҳисоб рақамидан Аутсорсернинг ҳисоб рақамига тўловлар ўтказилган санаси ҳисобланади.

10. Аутсорсер ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5 (бешинчи) санасига қадар хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани Буюртмачига электрон шаклда юборади.

11. Буюртмачи кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатномани олган кундан бошлаб, 10 календар кун давомида имзоланган далолатнома ва ҳисоб-фактурани ёки асослантирилган рад жавобини Аутсорсерга тақдим этиши шарт. Агар белгиланган вақт ичида Буюртмачи Аутсорсерга далолатноманинг имзоланган нусхасини ва ҳисоб-фактурани ёки кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асослантирган ҳолда рад этмаса, бундай далолатнома ва ҳисоб-фактура имзоланган ва хизматлар эса кўрсатилган деб ҳисобланади.

12. Мазкур Шартноманинг 3-бобида назарда тутилган ҳисоб-китоб тартиб Шартноманинг амал қилиш муддатигача амал қилади ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Хизматни топшириш ва қабул қилиш**

13. Кўрсатилган хизматларни топшириш ва қабул қилиш Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатномани имзолаш орқали амалга оширилади.

14. Буюртмачи хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатномани олган кундан бошлаб, 10 (ўн) календар кун ичида имзолайди ёки асослантирилган рад этиш жавобини ўз муҳри билан тасдиқлаган ҳолда юборади.

Агар Буюртмачи белгиланган муддатда хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатномани имзоланган ҳолда тақдим этмаса, шунингдек, асослантирилган рад этиш жавобини тақдим этмаса, хизматлар Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

15. Агар Буюртмачи Аутсорсерга хизматларни қабул қилишни асослантирилган рад этиш жавобини юборган бўлса, Томонлар 15 (ўн беш) календар кун ичида камчиликларни бартараф этади ва далолатномани имзолайди. Бунда Аутсорсер Буюртмачига янги далолатнома ва ҳисоб-фактура тақдим этади ёки Буюртмачи олдин тақдим этилган далолатнома ва ҳисоб-фактурани қабул қилади.

16. Асосланган рад этиш - бу томонлар ўртасида имзоланган, тақдим этилаётган хизматлардаги номувофиқликлар кўрсатилган ва ушбу номувофиқликларни тузатиш муддатларини ўз ичига олган ҳужжат.

17. Буюртмачи хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатномани имзолашдан олдин, маълумотларни мазкур Шартномага мувофиқлигини текширади.

Агар хизматларни қабул қилиш вақтида мазкур Шартнома шартларига номувофиқликлар аниқланса, ҳисоб-фактура ва хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида

далолатномани имзоланмайди ёки улар амалда кўрсатган (нуқсонсиз) хизматларга имзоланади. Шу билан бирга, хизматларнинг қабул қилинмаган қисмига Томонлар хизматларнинг номувофиклиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

### **5-боб. Томонлар масъулияти**

18. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

19. Мазкур Шартнома бўйича хизмат учун тўлов муддатларини бузганлиги учун Аутсорсер Буюртмачидан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Пеня тўлаш тўғрисидаги даъво ёзма шаклда, Аутсорсернинг ваколатли вакили томонидан имзоланган ва кечикиш муддати тугаган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кунидан кечиктирмай Буюртмачига тақдим этилиши лозим.

20. Мазкур Шартнома бўйича хизматларни кўрсатиш шартларини бузганлик, хизматларни қисман кўрсатиш ёки сифатсиз хизматларни кўрсатганлиги учун Буюртмачи Аутсорсердан 0,5 фоиз миқдорида пеня ундиришга ҳақли, бироқ, бунда пенянинг умумий миқдори олдинги ҳисобот даври учун хизматларининг ҳар бир куни учун сифатсиз хизматларнинг қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

21. Томонлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажармаганлиги ва етарли даражада бажармаганлиги учун жарима тўлаши ва етказилган зарар қоплаши, уларнинг мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

22. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Томонлар низо ва келишмовчиликларнинг ўзаро келишув асосида ҳал эта олмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этиш учун киритадилар.

23. Томонлардан бирининг Шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жарималар қўллаш чоралари фақат ҳуқуқлари бузилган Томондан юборилган жазо чораларини қўллаш тўғрисида олдиндан ёзма хабарнома берилган тақдирда қўлланилиши мумкин. Жазо чораларини қўллаш ҳуқуқи бузилган Томоннинг ҳуқуқи ҳисобланади, аммо мажбурий эмас. Ҳеч бир жазо ўз-ўзидан (автоматик равишда) қўлланилмайди.

24. Томонларнинг мазкур Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча жавобгарлик турлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **6-боб. Форс-мажор**

25. Тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабаблар, жумладан табиий офатлар, зилзилалар, тошқинлар, бўронлар, ёнғинлар ёки бахтсиз ҳодисалар, оммавий тартибсизлик, жанговар ҳаракатлар ва/ёки уларнинг таҳдиди, қонуности ҳужжатлари ва

қонуности ҳужжатларида чекловлар, тақиқлари ёки ҳукуматнинг бошқа ҳар қандай чоралари ёки мазкур Шартнома имзолангандан кейин пайдо бўлган Тарафларнинг назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар натижасида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун тарафлар бир-бирлари учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

26. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон уч кун ичида бошқа Томонни мавжуд алоқа воситалар (телефон, факс, электрон почта ва бошқалар) орқали бундай ҳолатларнинг юзага келиши ва тугатилиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

27. Мазкур Шартноманинг 26-бандига мувофиқ, форс-мажор ҳолатлари тўғрисида хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик тегишли Томонни мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун асос сифатида кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

28. Форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари 10 (ўн) календар кундан ортиқ давом этса, Томонлар Шартномани бажаришнинг иккала Томон учун мақбул бўлган муқобил усулларини аниқлаш ва тегишли келишувга эришиш учун имкон қадар қисқа вақт ичида музокаралар олиб борадилар.

#### **10-боб. Шартнома муддати ва бекор қилиш шартлари**

29. Мазкур Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

30. Мазкур Шартнома Томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, ташаббускор Томон бошқа Томонни шартномани бекор қилиниш санасидан камида 30 (ўттиз) календар кун олдин ёзма равишда хабардор қилишга зарур.

31. Мазкур Шартномани бекор қилиш Томонларнинг ёзма равишда расмийлаштириладиган алоҳида келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

#### **11-боб. Яқуний қоидалар**

32. Томонларнинг ўзаро келишуви билан мазкур Шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

33. Мазкур Шартномага киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар, унинг ажралмас қисми ҳисобланиб, ёзма шаклда тузилади ва Томонлар имзолайди.

34. Мазкур Шартноманинг бирон бир банди ижроси таъминланмаса ёки амал қилиши бекор бўлса, бу ўз навбатида Шартноманинг бошқа бандлари ижроси таъминламаслигига ёки амал қилишини бекор бўлишига таъсир кўрсатмаса, Томонлар ўзаро келишув асосида ушбу бандларни янада қулай шаклларга ўзгартириш бўйича қўшимча келишувлар имзолаши мумкин.

35. Томонлардан ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ўтказишга ҳақли эмас, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан Томонлардан бирининг қайта

ташкил этилиши натижасида ҳуқуқий ворисларлик ҳоллари бундан мустасно.

36. Томонларнинг юридик, банк реквизитлари, электрон почта манзиллари ўзгарган тақдирда, 3 (уч) календар кундан кечиктирмай бошқа томонни хабардор қилиш мажбур.

37. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган барча масалалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

38. Мазкур Шартнома Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, тенг юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада, давлат тилида тузилди ҳар бири учун ҳақиқий ҳисобланади.

39. Аутсорсер мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун Буюртмачининг розилигисиз субпудратчи жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг тўлиқ мажбуриятларини ўз зиммасига олган.

## 12-боб. Тарафларнинг манзили ва банк реквизитлари

### “АУТСОРСЕР”

“ХАВАР” газетаси таҳририяти

Тошкент ш., Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй

Ҳ/р: 2021 0000 2001 5525 9001

АТ «Алоқабанк» МФО 00401

СТИР: 201 057 531 ОКОНХ 87100

ОКЕД 58130

Тел: 71 234-17-91

Бош муҳаррир А. Абдурахмонов

(имзо)

М.Ў.

### “БУЮРТМАЧИ”

“Электрон ҳукумат лойиҳаларини  
бошқариш маркази” ДМ

«Elektron hukumat loyihalarini  
boshqarish markazi» davlat muassasasi  
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Nukus ko'chasi, 22, 22a va 24-uylar  
H/r: 2021 0000 9052 5070 7001  
АТ «Алоқа Банк» Амалиёт НКХКМ  
МФО: 00401 STIR: 207 322 159 IFUT: 84112

Директор

А. Мухитдинов

(имзо)

М.Ў.

Бош муҳаррир А. Абдурахмонов  
Директор А. Мухитдинов  
14.04.22 й.